Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанадаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор барчангизни она юртимиз — Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам — яшариш ва поклониш фасли билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Шу қутлуғ кунларга соғ-омон етиб келганимиз учун беқиёс диёримиз бағрида яшаётган ҳар бир инсон — кексалик нашидасини сураётган дуогўй ота-оналаримиз, ёшлик завқи билан яшаётган азиз фарзандларимиз, мунис ва гўзал аёлларимиз — барча-барчамиз Яратганимизга ҳамду санолар, чексиз шукроналар айтамиз.

Наврўз — бизнинг ҳақиқий, асл миллий байрамимиздир. Бу муборак айёмнинг улуғ хосияти шундаки, бу фаслда халқимизнинг олижаноблиги, бағрикенглиги, саховати, она табиат билан ҳамнафас бўлиб уйғун яшашга интилиши айниқса яққол намоён бўлади.

Наврўзи оламда, борлиқ яшариб-янгиланганда, еру кўкда буюк илоҳий мўъжизалар содир бўладиган қутлуғ палладa, ҳар бир инсон табиатнинг бетакрор сеҳри ва гўзаллигини янгидан англайди, юрагида янги орзу-умидлар куртак очади. Деҳқоннинг билаги ва белига куч-қувват киради, қонида ғайрат-шижоат жўш уради.

Қадрли дўстлар!

Қадимий ва бетакрор, миллий ўзлигимизни англаш тимсоли бўлмиш Наврўз айёми истиқлол шарофати туфайли янгича мазмун касб этмоқда, халқимизнинг бу муқаддас шодиёнаси юртимиздаги тинчлик, эзгулик, сахийлик, бунёдкорлик байрамига айланмоқда.

Шубҳа йўқки, эзгу ниятларимиз амалга ошгани сари юртимизда йилдан-йилга бу байрамнинг ҳам файзу шукуҳи ортаверади. Келгуси Наврўзларни бундан ҳам тўкин, бундан ҳам фаровон, бир сўз билан айтганда, энг олий орзу-умидларимиз ушалган шароитда кутиб оламиз, иншоолло.

Ёруғ келажак сари интилаётган халқимизнинг меҳнати билан юртимиз кун сайин обод бўлмоқда. Жамиятимиз янгиланиб, тафаккуримиз ўзгариб бормоқда. Меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби фазилатлар одамларимиз фикру зикридан мустаҳкам ўрин олмоқда.

Ўзбекистонни ўз Ватаним деб биладиган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари — тили, дини, миллатидан қатъи назар — ягона, аҳил оила бўлиб яшамоқда.

Бугун бу ҳақиқатни бутун дунё, жаҳон аҳли эътироф этмоқда, олдимизда турган мақсадлар ва эзгу интилишларимизни амалга оширишда бизга ҳамкорлик қўлини узатмоқда.

Бугунги мўътабар айёмда мана шу нуфузли минбардан туриб, сиз азизларнинг номингиздан бутун дунё аҳлини ишонтириб айтмоқчиман:

Биз ўз танлаган мустақил йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Буюк келажак, эркин, фаровон ҳаёт қуриш учун сабот ва матонат билан меҳнат қиламиз.

Озод Ватанимизга, мусаффо осмонимизга, Наврўзимизга, динимиз ва эътиқодимизга, фарзандларимиз бахтига чанг солмоқчи бўлганлар, бугунги ҳаётимизни, истиқболи очилиб бораётган эртанги кунимизни кўролмайдиганлар билсин: халқимизни бу улуғ ва муқаддас йўлдан асло қайтариб бўлмайди!

Ҳурматли ватандошларим, юртдошларим!

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, дилимдаги яна бир фикрни сиз азизларга изҳор этмоқчиман.

Яқинда пойтахтимизда мудҳиш воқеалар бўлиб ўтган дамларда мен ўз тақдиримнинг халқим тақдири билан чамбарчас боғланиб кетганини бутун қалбим билан янада теран англадим.

Халқимнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги менинг ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолганини яна бир бор бутун вужудим билан чуқур ҳис этдим. Буюк аждодларимизнинг пок руҳлари олдида, бугунги ва келажак авлод олдида бутун борлиғим, қалбимдан иймон келтириб такрор ва такрор айтмоқчиман:

Мен ҳаёт эканман, йўлимдан қайтмайман, Ватанимиз ва халқимиз ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди!

Мана шу юксак минбардан туриб, миллионлаб юртдошларимнинг сабр-бардоши, меҳр-оқибати, шахсан менга бўлган юксак ишонч ва ҳурмати учун халқимга яна бир бор самимий муҳаббатимни билдириб, таъзим қиламан.

Муҳтарам биродарлар!

Наврўз нафаси уфуриб турган шу муборак айёмда барча хайрли тилакларимиз рўёбга чиқсин!

Яратганимизнинг ўзи Ватанимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин!

Наврўзи оламингиз муборак бўлсин, азиз юртдошларим!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 22 март, душанба • № 37 (24.432).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ислом КАРИМОВ:

Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир.

Хур-хур елдар хуриллаб, Наврўз келди гуриллаб

Бойчечак Ер шарини кўтаради

Одамлар ҳам шундай — яхши ниятли кишилар она-ерни кафтларида тутиб яшайдилар. Заминни кўтариб юришади, она сайёрамиз қисмати учун ҳар лаҳза қайғурадилар. Ўз тақдирларини ер курраси билан чамбарчас боғлайдилар. Тирикликнинг маъниси шу. Бани-башар олдидаги энг олий бурч — Она-заминни асраб қолиш! Эзгулик нури-ла ёруғ кўнгилларда мана шу туйғу илдиз отса, шубҳасиз, тинчлик мангу, барқарорлик бардавомдир. Тинчлик деб қалққан халқлар бир-бирига қўл чўзса, бирикса, албатта, Ватанлар обод бўлғуси! Инсоният доимо ойдин келажагини ўзи яратгуси! Ҳаммамиз яхши бўлсак, яхшилик тантана қилади! Яхшилик тантана қилган жойда файзу-барака бўлади. Нурга, тирикликка интилиш умидларини зулмат қаҳри сўндиролмайди, синдиролмайди.

Ҳар бир жойнинг ери, суви, майсалари, ҳатто тоғ-тошлари ҳам шу ернинг одамларига ўхшайди. Кишиларимиз қалби дарёларимиздек тошқин, шиддатли, шу билан бирга зилол. Майсаларимиздаги каби ботинимизда ёруғликка интилиш кучли. Тоғларимиздек босиқ ва вазминмиз. Иродамиз мустаҳкам. Биздаги улуғлик заминдан. Қалбимиздаги гўзаллик табиатимиздаги беқиёс ва тенгсиз малоҳатдан. Демак, биз ўз ҳаётимизни, тақдир-аъмолимизни она-юртимизнинг бугуни-ю, келажагидан айро тасаввур қилолмаймиз. Ва, ўз-ўзидан бутун башарият, рўйи-замин тақдирига дахлдошмиз. Ана шундай дарё халқ, катта халқ бугун байрам қилаяпти. Даричаларни чорловлар чертаяпти. Ҳаммани катта тўйга чорлаяпти. Сурхону Қашқа воҳаси кенгликларига гул сочиб файзиёб этган Баҳор момо водий ҳамда Тошкент боғларини ҳам уйғотиб юборди. Баҳор тантанаси Наврўзга уланди. Янги кун бошланди. Табиат байрам қилаяпти. Одамлар байрам қилаяпти. Баҳор элчиси — бойчечакнинг бир илдизини аллақандай кўринмас ришталар юрак томиримизга боғлаб тургандир... Ким билсин, шу ришта узилса, заминнинг мувозанати йўқолар.

Кўнгиллар байрам қилаяпти бугун. Дунёларга тинчлик, омонлик сўраган халқнинг байрами бу.

Майса заминни ёриб чиқди. Қуёшга интилди. Нурга талпинди. Мудраган, қаҳратоннинг қаҳридан қалтираган дарахт гуллади. Қиёс этсак, баҳорга интиқ кўнгилларимизга ҳам ёруғлик инди. Бизнинг-да дил дарахтимиз гуллади.

Баҳорда халқ-да гуллайди. Қалб гулламаса баҳорни, Наврўзни бунчалик севмасди. Зориқиб кутмасди.

Дунёни гуллаган юраклларнинг шукронаси уйғотди. Бу шукроналик кўчаларга, гузарларга, қишлоқларга, катта-катта шаҳарларга ёйилди. Азим Тошкент бағридаги тантана дунёга таралди! Ҳазрат Навоий боғи, Амир Темур бобомиз хиёбони, Мустақиллик майдони, Хадра, Ўрда — ҳамма-ҳамма жойда тантана тараддуди. Шодликнинг тантанаси! Тинчликнинг тантанаси! Ўз озодлиги, борар йўлини топган Халқнинг айёми. Жаҳон кўраяпти. Томоша қилаяпти. Ўзбек шу деяпти. Куни-кеча озодликка чиққан ўзбек, деяпти. Тўлқинлар шижоатини туйган миллат кўчаларда дарё бўлиб оқаяпти. Тинч бўлгандан кейин, озод бўлгандан кейин Халқ дарё бўлиб оқади-да.

Фалакка куй ўрлаяпти. Қуёшдек бир ёруғ ўй ўрлаяпти. Шоирлар айтмоқчи, шу ойдин ўйинг муборак бўлсин! Ўзбекистон, дунёлиғинг муборак бўлсин!

Мана, **Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи.** Наврўз ранглари билан безатилган рамзий дарвозадан ичкарига қадам ташлар экансиз, бирданига Наврўзнинг бағрида Ўзбекистонни кўриб қоласиз, Ватанни кўриб қоласиз. Ўзбекнинг ҳунари, диди, тарихи кўз олдингизда гавдаланади. Қатор терилган қандолат маҳсулотлари, турли-туман миллий таомлар, энг асосийси — минг сирни ўзида мужассам қилган сумалакни кўрганингизда ўзбекнинг тўкин-сочин дастурхонига баҳор кириб келганлигига, балки, Баҳор ва Наврўз бу бағри кенг халқ учун дастурхон ёзганига амин бўласиз. Наврўзнинг ҳам ўзбек аёли каби меҳмондўст эканини қалбингизда туясиз.

Ана, катта саҳна. Асрларни қаритган ва ҳамиша ёш ўзбекнинг неча минг йиллардан буён шаклланган айёми ана шу жойда намоён бўлади бугун. Бутун Ўзбекистон халқининг, дунёдаги барча ўзбеклару дўст-ёрларнинг нигоҳи ана шу саҳнага қаратилган. Кутилган дақиқалар тобора яқинлашади.

Ўриндиқларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган меҳмонлар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари эгаллаган. Хорижий давлатларнинг элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ҳам бу ерга ташриф буюрганлар.

Соат 11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов майдонга кириб келади. Ўтирганлар мамлакатимиз раҳбарини ўринларидан туриб, гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ҳамда бошқа расмий кишилар марказий минбардан жой эгаллайдилар. Чорлов мусиқаси янграб, баҳорни, Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқ ижро этилади.

Саҳнада оқ либос кийган Она пайдо бўлади. У — бутун халқимиз, миллатимиз оналари тимсоли. Ватанга энг муносиб таъриф изланганда уни Она сиймосига қиёс этадилар. Онани, Аёлни эъзозлаш, кўкка кўтариш, ҳурматини жойига қўйиш халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилатдир.

Сўз Президент Ислом Каримовга берилади. Юртбошимиз мамлакатимиз халқини қутлуғ айём — уйғониш, яшариш, янгиланиш ва нафосат байрами Наврўз билан табриклайди. Президентимиз ўз табригида бу йилги Наврўз ўзгача шукуҳ ва тантана билан ўтаётганлигини таъкидлайди. Мустақилликнинг саккизинчи йилига қадам қўйдик. Халқимиз ҳаётида, тафаккурида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланди. Наврўзи оламнинг мамлакатимизда кенг нишонланаётгани ҳам истиқлол туфайлидир.

Байрам бошланганидан дарак бериб чорлов мусиқаси жаранглайди. Минбарга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кўтарилади. Миллионларнинг қалбида Йўлбошчимизнинг табрик сўзлари жаранглайди. Бу сўзлар келажакка ишонч, қатъият, мустаҳкам ирода, халқпарварлик рамзи бўлиб қалбларга қуйилади. Саҳнада авж олган шўх ўйин-кулгулар унга жўр бўлади. Болажонлар бирам яйрайди, миллат бирам яшнайди, кўп ўтмай ўзингизни қалбан улар орасида ҳис этасиз. Йўқ-йўқ, нафақат сиз, балки бир бутун халқ бу ерда жамулжам бўлгандек туюлади. Ҳар бир рақс, ҳар бир қўшиқ эса моҳиятан порлоқ келажакнинг орзуси, фақат яхшилик, омонлик, тинчлик, тўкин-сочинликка айтилаётган дуои фотиҳа. Наврўз яхши ният дегани. Фарзанди бошини силаётган онага ўхшайди Баҳор.

Қутлуғ қадам Келинчак келди

Баҳорни нега келинчакка менгзайдилар? Бир қарашда жуда жўн, аммо, фикрлаб кўрсангиз, жуда мураккаб савол. Жўнлиги шундаки, бу ўхшатиш ҳаммамизнинг қулоғимизга сингиб қолган. Ҳатто рассомларимиз чизган «Баҳоройлар ҳам кўз ўнгимизда дарҳол гавдаланади. Келинчак ҳам, баҳор ҳам гўзал, ахир. Лекин, ўхшатишга арзийдиган гўзал нарсалар бу дунёда камми?..

Балки, келиннинг илк қадамию, баҳорнинг илк куни бирдек байрам қилинишидадир энг катта ўхшашлик. Ахир, янги кун — Наврўзда замин қандай безанса, келинчак ҳам ўзига шундай оро беради. Бу либосни кияётган келинчакнинг юраги қанчалик ҳаприқса, Наврўз куни замин ҳам шунчалик энтикади. Ҳаяжондан келиннинг кўзларига ёш келса, осмон ҳам ўзини тута олмайди. Келинчакнинг ичига сирлар сиғмаганидек, дарахтларни куртаклар ёриб чиқади...

Ҳамма ерда Баҳор. Ҳамма ерда Наврўз. Табиатда уйғониш дегани бу. Янги ҳаётнинг, жонланишнинг, яшаришнинг боши. Ана, пойтахт кўчалари Баҳор билан тўла. Наврўз билан лиммо-лим. Наврўзойларга суқланиб боққанингизда ич-ичингизда саволлар пайдо бўлади: табиат бунчалар сахий бўлмаса, гўзаллик шунчалар ҳам ёрқин бўладими? Беихтиёр қаёққа бораётганингизни, ўзи қаерда эканингизни ҳам унутасиз. Фақат бир нарсани — кўксингизда бир эврилиш бўлаётганини, юрагингиз орзуқаётганини ҳис қиласиз. Сеҳрли куч сизни олға бошлайди, бошлайверади. Оппоқ гуллаган ўриклардан тортиб узоқдан эшитилаётган шўх мусиқа садоларигача сизни мафтун қилади. Шошиласиз, шошилаверасиз. Олдингизда, ортингизда фақат Баҳор эргашиб юрганлигини кўриб, ўзингиз ҳам Наврўзнинг бир қисмига айланиб бораётганингизга ишона бошлайсиз.

Шаҳарларда сайл. Қирларда сайр. Ҳофизлар бойчечакка оға-ини тутиниб куйлаяпти. Бахшиларнинг овози осмонни ёрмоқда. Карнайлар садоси Тошкенту Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарёга уланиб кетди. Водий, Хоразм, Бухоро, Қорақалпоғистон бир бўлиб — Ўзбекистон бўлиб куйламоқда. Адирларга осмон яқин келди. Шаҳарларга осмон яқин келди. Кўнгилларга осмон яқин келди. Ай, биз ҳаммамиз осмон бўлдик! Наврўз бўлдик!

Осмон бўлгандан сўнг халқнинг орзу-ўйлари ҳам юксак, қарашлари баланд бўлади-да. Бундай Халқ бутун Инсоният, Она-Ер тақдирини юрагида олиб юради-да. Тўзғимайди-да. Ўз Йўлбошчиси атрофида метин-мустаҳкам бўлиб жипслашади-да. Унга зирҳу қалқон бўлади-да. Энг муҳими, Халқ бўлади-да!

Шу халқнинг кичик зарраси бўлиб кўчага чиқдик. Гурурландик. Юрак-юрагимиздан бир қувват туйдик. Ҳамма бизга дўст эди. Кўпчилик эдик. Бизнинг ҳаммамиз Ўзбекистон эдик. Бир кўтаринки кайфият билан Амир Темур хиёбонига, соҳибқирон бобомиз ҳузурига бордик. Кишилар орасидан йўл ахтариб йўлакка чиққан болакайнинг оёғи туйқус сирғалиб кетди. Майсани босди. У атайлаб қилмади. Шу лаҳзадаёқ хижолат тортиб, ўзини ўнглаб олди-да, йўлакка чиқди... Хаёлимиздан яна шу ўй ўтади: Баҳор майсалари, майсами, бойчечакми, барибир заминни кўтариб туради. Заминни кўтарган майсани эса босиб ўтиш гуноҳ. Заминни кўтарган Халққа ҳеч бир ёт куч таъсир ўтказолмайди.

Шодиёна этади давом

Одамзот яхши кунини байрам қилади. Аммо, яхши кун дегани нима ўзи? Унинг қандай ўлчамлари бор? Оилага янги фарзанд келиши, миллат битта фидойи фарзанди билан бойиши, онанинг ўз бағрига жигарбандини босишими? Ўша фарзанднинг илк тетапоя бўлган куни, илк бор гапириши, бўй етиб муҳаббатга ошно бўлиши, қайсидир бир узоқ сафардан ғалаба билан қайтиши-чи? Назаримизда, она учун буларнинг ҳаммаси бирдек байрам. Она табиат учун ҳам ерга қадалган майсанинг униб чиқиши, Янги ҳосил йили бошланиши, қуёшнинг қайта чарақлаши байрам эмасми?! Умуман, Наврўз табиатнинг байрамимикин, ё одамларнинг? Ахир, куртак ёзган дарахтлар, гул очган ўриклар, униб чиққан майсаларда халқимизнинг меҳри, юрак парчаси мавжуд! Табиатнинг уйғониши бизнинг орзуларимиз ижобати йўлидаги илк қадам эмасми? Хирмон-хирмон пахта, уйлар тўла буғдой, дастурхон тўла мева-чева эмасми — ниятларимизнинг ушалиши?

Ўзбекистон кўчалари. Баҳор билан лиммо-лим. Наврўз билан тўла. Жажжи Наврўзхон, гўзал Наврўзой, меҳрибон Наврўзона, дуогўй Наврўзмомоларим менинг! Ўзбегимнинг бахт қушлари, омад юлдузлари, дуои жонлари! Биз Сизларга термулиб, Сизларни баҳор билан, Наврўз билан қиёс қилиб, бир нарсани англай бошладик. Нега Наврўз келинчакка қиёс қилинади, дея ноўрин савол қўйибмиз боя. Ахир, бу замин одам учун яралган-ку. Баҳор ҳам шу одамзод учун! Шундай экан, Баҳорнинг белгилари, шубҳасиз, Сиздан олинган. Шундай экан, Баҳорни Сизга қиёс қилмасдан кимга қиёслаймиз, азиз Аёллар!

Бу гаплар юракдан отилиб чиқар экан, Мустақил ўзбек халқининг бахтига осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин, унинг «ҳар куни Наврўз ўлсин» дегимиз келади. Ахир, ўзбек аёли омон бўлса, Наврўзимиз, Баҳоримиз ҳамиша биз билан.

Бутун халқимиз битта саҳнада жипслашади. Президентимиз санъаткорларни, ёшларни, бутун миллатни бағрига босиб қутлайди!

Пойтахтимиздаги Миллий боғда бошланган Наврўз байрами мушакбозлик билан якунланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу йилги Наврўзимиз тантаналари Ер юзининг 50дан ортиқ мамлакатлари учун тўғридан-тўғри эфирга узатилди.

Меҳр-оқибат, мурувват байрами Наврўз бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйди. Пойтахтда бошланган тантаналар барча вилоятлар ва туман марказларида, шаҳар ва қишлоқларда давом этмоқда.

Салим АШУР,
Қўчқор НОРҚОБИЛ,
Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

***

Суратларни: Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) ва Шавкат АКРАМОВ олган.

Мунаввар тонг

Кун ила тун тенглашган тонг ўзгача. Йилбошининг шукуҳи ўлкамизни қамраб олди. Одамлар бир энтикиб қўяди: «Шу кунларга етказганига шукр!», баҳорнинг элчиси бинафшани кўзга суртадилар: «Омонлик-сомонлик, юрт кўрмасин ёмонлик...»

Наврўзи олам таровати дилларга кўчган. Негадир кўп зеҳн соламан. Болаларнинг кўнглига Наврўз қандай кириб келади? Ёшлар руҳиятида бу кунга интиқлик-чи?

Ҳеч разм солганмисиз, аслида байрамни болалар биздан анча эрта бошлашади, зўр бериб тайёргарлик кўришади. Майдончада ўйнаб юрган маҳалламиз болаларининг қий-чуви аралаш бир тўпи нимадир деб бир-бирини олқишлаётганди. Тинглаб турсам 5-6 яшар ўғил-қизлар шеър айтишаётир. Жажжи ўғилча бийрон-бийрон:

Наврўз келди,
Гул очилди.
Йўлимизга нур сочилди.
Бошимизда
йўлбошчимиз,
Бобомиздир қуёшимиз.

Унинг давомини бошқаси илиб кетди:

Турналар ҳам
учиб келди,
Узоқлардан кўчиб келди.
Осойишта бу
юртимга,
Шодликларни
қучиб келди.

Қараб, завқланиб кетдим. Мурғаккина юракчасида шу кунга интиқлиги шундоқ сезилиб турибди.

Қалбимга қувонч кўчди.

Болаларнинг шодлиги осойишта осмон туфайли. Шунданам болаларни турналарга қиёслайман. Боланинг қувончи тинчликда.

Наврўз янгиланиш. Мен учун у кўнгил куни. Бугунги силсилалар неча-неча беҳуд кетган Наврўзларни эсга солаверади. «Шу кунларни кўрдик», деб ўйлаб қўяман. Негадир бугунни папалагим, авайлагим келади. Чунки...

Боладан ўйинчоғини тортиб олсангиз, дод солади-ю, овунади. Янги кўйлагини йиртсангиз йиғлайди-ю, юпанади. Боланинг шодлигини тортиб олинг... У йиғлайди, юпанмайди, ўксиб, кўнгли яримта бўп қолади. Ўсмир, ёшларнинг қувончига раҳна солишса-чи? Дийдаси қотиб қолади.

Дийдаси қаттиқ бола, алҳазар, сўнгра на шодликни, на байрамни, на бузрук-ворни, на волидани ва на Ватанни сева олади. Назаримда, бизнинг, менинг тенгқурларимни қувончларига кўп соя ташлашган. Наврўзларини тортиб олишган. Минг йиллик Наврўзни топташган. Кўмишган, кафансиз. Заковатли болалар Наврўзни ерга эмас, кўнглига кўмолган. Асраб қолаверган. Дийдаси тошдек қотганлари ҳалиям муздек бағир билан юриб-дилар-да.

Шуларни ўйлайман. Болалигимнинг биргина шундай куни хотирамда яна жонланади. «Кўп миллатли» давлатнинг биз болалари фақат «Интернационал»ни куйлардик. Шунгагина ҳақли эдик-да.

Наврўз келди. Қишлоғимизда ҳар хил миллатлар яшарди. Қримлар, турклар, корейслар, қозоқ... Аслида ҳаммамиз Наврўзни жуда-жуда яхши кўрардик. Йилбоши эмасми, далада иш бошланган. Зовур, ариқларни тозалашга чиқдик. Ясси тепаликка тўпланиб Наврўзни ўзимизча байрам қилдик. Орамизда овози ширали қизимиз «Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар» ғазалини шундай куйладики... Негадир қий-чув босилиб, ҳамма маъюс тортиб қолди.

Ўкиндик. Шодланиб шу кўм-кўк далалар шукуҳини куйлолмасдик. Эртасига бизга «Қайси зимистонни» қўмсаяпсизлар, шу қўшиқни айтиб» дашном беришди... «Сумалак» нимаси дейишса ими-жимида сумалак солишарди.

Юртимга бугун буюк ўтмиши қайтди. Буюклар қайтди. Давру давронлар қайтди. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Беруний, Синолар... Сиймолар қайтди. Соҳибқирон от сурган юртга тарих қайтди.

Туғимиз ҳилпирайди.

Шуларни унутиб бўладими? Болалигимни асл баҳорлари шулар эди. Болалик қувончимнинг тамаллари, ўсмирлик ғуруримнинг алп тоғлари — тарих эди. Шундай қувонч, ғурури тортиб олинган юрак ўксинмасинми?

Аждодларим руҳи кезган бу куннинг Наврўзини яна-яна ардоқлаб, кўзга суртгим келади. Қадрини туғ янглиғ сарбаланд, бошим узра тутгим келади.

Дил фасли

Назаримда, Наврўзни юрак кутади. Қадрини, қимматини қалб англайди.

Наврўз мисли сарчашма.

Ҳур диёрнинг байрами юракка кўчсин. Юракларга энсин.

Наврўз тонги мунаввар. Боланинг қалбидай беғубор.

Мунаввар тонг болаларники. Болалар мунаввар келажакнинг эгалари.

Осойишта Наврўз тонги бизники...

Наврўзнинг мунаввар тонгини авайлагим келади.

Саида БОНУ

«Галла-алпег»
очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси

барча ватандошларимизни
Наврўз байрами
билан самимий муборакбод эта туриб,
янгиланиш ва яшариш фаслида ҳар бир
кишига омад, бахт ҳамда доимий шодлик тилайди.
Биз етказиб бераётган ун ва ун маҳсулотлари
юртимиз тўкинлиги, фаровонлигининг
рамзи бўлиб қолсин.
Хонадонларда осойишталик, барқарорлик
ҳукм сурсин! Жамиятимиздан эса аҳиллик,
тотувлик, меҳр-оқибат ва
барқарорлик кўтарилмасин!

«Олтин бошоқ»
очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти



Наврўз — баҳор байрами
билан барча ватандошларимизни,
республикамиз ғаллакорлари ва
турдош корхоналар ходимларини
қизғин табриклайди.
Барча-барчага бахт, соғлик ва
омад тилайди!

Ўзбек шоирининг китоби — Туркияда

Яқинда Туркияда атоқли ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг «Ҳур ўлкам» китоби босмадан чиқди. Туркия Журналистлар ва Ёзувчилар уюшмаси фахрий раиси Фатхулла Гулен ўз мақоласида шоирнинг асарларини Мехмет Акиф, Нежип Фозил ва Яҳё Камоллар ижоди билан қиёслайди. Китобдан Одил Ёқубов ва Бегали Қосимовнинг шоир ижоди ҳақидаги таҳлилий мақола ва суҳбатлари ўрин олган. Тўпламни Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган «ЎзСИЛМ» маърифий уюшмаси, ўзбек-турк лицейлари бош мудирлиги тайёрлаган.

Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ҳусайн БАРГАН

«Наврўз» ўйланмаси

Ёй бўйича ўнга: 1. Йил фаслларининг келинчаги. 2. Тамига солиш учун ишлатиладиган кўкат ва сабзавотлар мажмуи (3). 3. Мағзи сермой ва лаззатли эрта гуллайдиган дарахт. 4. Наврўз айёмини жамоа бўлиб ўтказишда асосий ўрин эгалловчи маъмурий ҳудудий бўлинма (6). 5. Қуёш чиқиш ёки ботиши олдидан уфқда ҳосил бўладиган лоларанг манзара. 6. Янги ой туғилган кундан келгуси ой туғилган кунгача бўлган вақт асос қилиб олинган йил ҳисоби. 7. Наврўзда ўтказиладиган катта халқ томошалари. 8. Баҳор айёмида юзага келадиган нозик ҳис уйғотувчи гўзаллик. 9. Оллоҳ йўлида қилинадиган хайрли ишлар. 10. Аввалдан бирор нарса тўғрисида айтилган гап, хушхабар. 11. Поясидан тола олинадиган баланд ўсувчи экин. 12. Кўп истеъмол қилинадиган сабзавотлардан бири. 13. Энг илғорларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган синов. 14. Наврўз сайлларида ўтказиладиган чавандозлик мусобақаси (5). 15. Мевали дарахт ниҳолининг «онаси». 16. Коинотда рўй берадиган ранг-баранг жило. 17. Кучлиларнинг миллий мусобақаси. 18. Шоду-ҳуррамлик билан ўтадиган тантана (6) 19. Ер остидан чиқувчи сув манбаи. 20. Зотли чопқир от. 21. Кун ботиш пайти. 22. Эришилган муваффақиятларни, қилинган хизматларни тақдирлаб бериладиган нарса. 23. Қадимда атиргул сувидан тайёрланган хушхўр шарбат. 24. Аёлларни ҳурматлаб айтиладиган ном.

Ёйлар бўйича чапга: 1. «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўз айёмига оид маълумотлар ёзиб қолдирган ватандошимиз, ўрта аср қомусий алломаси (3). 3. Пойтахтимиз вилоятидаги шаҳар. 5. Гулларидан кўкламда шифобахш таом тайёрланадиган меваси сершира, серэт дарахт. 7. Қамишсимон бўғимли кўл ўсимлиги (3). 9. Чин қалбдан берилганлик, вафодорлик (2). 11. Халқлар ўртасида тинчлик рамзи, парранда (4). 13. Кўкламда ўсимлик барги қўшиб пишириладиган миллий таом (3). 15. Икки торли, пардасиз чертиб чалинадиган мусиқа асбоби (2). 17. Гул шайдоси, ҳашарот. 19. Гурунгхона, маданий-маиший маскан. 21. Бошоқли ғалла ўсимлигидан бири экилган майдон. 23. Ер бағирлаб ўсувчи этдор баргли, ранг-баранг очиладиган гул (1)



Муаммонома: шакл атрофидаги айланмалардаги рақамларда муаммонома яширинган. Уни сўзлар таърифидан сўнг қавс ичидаги тартибдаги жавоб сўзи ҳарфи билан алмаштириб ҳал этинг. Сўнг соат капкири бўйича ўқисангиз:

Янги йилнинг бошинда
— рўзи Наврўз
Садафдин чиқди бир
дурри шабафрўз.
Сатрлари битилган
достон номи аён бўлади.
Мазкур асар муаллифи
бўлган ўзбек мумтоз
шоири номини биласизми?

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

«Ахлоқий ва таълимий асар» ўйланмасининг жавоблари:

Очқич: 1. Жаннат. 2. Улуғ. 3. Дунё. 4. Ўткир. 5. Ҳосил. 6. Иш. 7. Ҳолва. 8. Минг. 9. Файз. 10. Мўътабар. Неъмат. 11. Чин. 12. Хулқ.

Миқёси нафс бобидан:

Дунёда ҳар нарсанинг
махсус ўлчови бўлар,
Банда афволини виждони
ила тартиб кўрар
Бир ишига вазнда келса
оғир ўз нафсига,
Ул ишинг қандоғ .
бўлакларга раво, лойиқ кўрар.

Лёл – оила таянчи

Учқўрғон туманидаги Қўғай қишлоғида Аёллар йилига бағишланиб ўтказилган «Аёл борки, олам мунаввар» кўрик танлови аёлларнинг оилада, маҳаллада тутган ўрни, пазандалиги, фарзанд тарбиясига бағишланди. Кўрик танловда иштирок этган аёллар ўзларининг бадиий чиқишлари билан даврага файз киритдилар. Миробод қишлоғидан Оминахон ая дастурхончилик сирларини намойиш этиш билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Танловда ғолиб деб топилган Нодира Мирзаёқубова ва Маҳсумахон Иброҳимовалар ўзларини юксак истеъдод эгаси эканликларини кўрсатдилар. Ушбу танловда «Гулдаста» ансамблининг дилрабо куй-қўшиқлари, сеҳрли ва жозибали рақслари барчани хушнуд этди. Ғолибларга туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Шоира ТЎХТАБОЕВА

Онам десам, нигоҳимда пайдо Ватан

Наврўз мушоираси

Баҳор келмиш

Томингизда шивир-шивир, шитир-шитир,
Бу — баҳорнинг қадамларин товушидир.
Сўридаги пуч ёнғоқнинг пўчоқлари
Қай қарғанинг қолиб кетган ковушидир.
Ранглар кирар энди дил ва ўйингизга,
Томингиздан баҳор келмиш уйингизга.

Ёмғир ювган юлдузлар ҳам қандоқ гўзал,
Ёрингизнинг кўзлари ҳам андоқ гўзал,
Қадрин билинг бу дамларнинг, қайтиб яна
Бундоқ фасл тополмайсиз, бундоқ гўзал,
Қаранг, баҳор келмиш ошиқ кўнглингизга,
Гул ўлчайди қараб қадду бўйингизга.

Эй, сен менинг шаҳарлик оқ турнагинам,
Ярим кун ҳам сен ёнимда турмадинг ҳам.
Қиш ўртаси ногоҳ баҳор келди десам,
Зулфларингнинг атри экан кейин билсам,
Мен жон берай исларингиз, бўйингизга,
Баҳор билан сенинг ифор тўйингизга.

Ҳижронларга тўлиқ шеърий дафтаримни
Сен варақлаб, шамол, мени ахтардингми?
Бир бойчечак, бир қаламқош қалдирғочга
Алмашдим мен бор алам, бор дардларимни.
Шеърларим-ай, армонларим ўзингизга,
Баҳор келмиш бугун кўча-кўйингизга.

Қандай ўғил бўлдим сизга, қандай жигар,
Мендан аввал баҳор сиздан олмиш хабар.
Майса бўлиб кўкариб ҳам, ота, яна
Менга таскин бермоқдасиз бу тонг саҳар.
Баҳор келмиш мангу сукут кўйингизга,
Ҳар бир майса ўхшар сўзу ўйингизга.

Баҳор келмиш, қутлуғ бўлсин ҳаммангизга!
Умр берсин бобонгиз ҳам момонгизга.
Баҳор ахир қанча шодлик, шукроналик
Келтиргуси холангиз ҳам аммангизга.
Қанча севинч гулдай қизу ўғлингизга,
Қанча қўзи олиб келар қўйингизга.

Кўклардаги тўлин-тўлин ойдай Ватан,
Осмон десам, тошқин-тошқин сойдай Ватан,
Ватан десам, кўз олдимга онам келган,
Онам десам, нигоҳимда пайдо Ватан,
Баҳор келмиш яна ризқу рўзингизга,
Доғ тушмасин ҳаргиз рангу рўйингизга.

Сирожиддин САЙЙИД

Сен келарсан

Тонглар келди мени сўроқлаб,
Бонглар келди мени сўроқлаб,
Ҳатто қорлар келди сўроқлаб,
Сен келмадинг...

Не савдолар ўтди бошимдан,
Ҳижрон нари кетмас қошимдан,
Ишқ гадосиман шу ёшимдан,
Сен келмадинг...

Яшаяпман, холис тилагим,
Бу дунёда борми керагим? —
Дея сендан келар сўрагим,
Сен келмадинг...

Сўқир қалбга солмайсан назар
Ёки ундан қиласан ҳазар,
Бир бечора ақлдан озар,
Сен келмадинг...

Бу юракка босилган чўғми,
Ё мен учун отилган ўқми,
Айтгин, мендан кўнглинг ё тўқми?
Сен келмадинг....

Айрилиқлар қалбим эзади,
Аммо келишингни сезади,
Интизор хаёллар кезади,
Сен келмадинг...

Ўткинчи

Дунёда қизларни аташар бир гул,
Мен гулга ўхшатмам қизларни сира.
Уларнинг ўзи бир гўзаллик буткул,
Гулнинг умри эса жуда ҳам қисқа.
Баҳорга ишониб очилди аста,
Аввал ғунча эди, кейин гул бўлди.
Баҳор алдаб кетди уни бир пасда,
Охири бечора сарғайиб сўлди.
Хазонга айланди бир гул бечора,
Қандайин гуноҳи бор экан, билмам.
Қисмат шу экан-да, энди начора,
Шул сабаб қизларни гулга ўхшатмам.
Ҳаётда кўп эрур сохта баҳорлар,
Абадий баҳор ҳам борми? Айтинг-чи,
Ҳайқириб айтаман такрор-такрорлар,
Баҳор ўткинчидир, баҳор ўткинчи.

Наргиза ТОШҚУЛОВА,
ТошДУ талабаси

Ўзбекистоним сенга

Абдулла Орипов ғазалига мухаммас

Жумлаи олам ҳавасманд, ёғду осмоним сенга,
Садқа этсам ушбу жон кам, нурли остоним сенга.
Бошима дурлар сочур, мангу нуристоним сенга,
Ойлайин қалбимни тортиқ, нурли бўстоним сенга,
Сен ватандирсан, фидодур танда бу жоним сенга.

Кўксингга бошим қўяй, жон дилбарим деб мен сени,
Фахр ила номинг атай, олтин, зарим деб мен сени.
Қалбимга тақсам-да камдур, жавҳарим деб мен сени,
Бебаҳосан, асрагайман гавҳарим деб мен сени.
Сен қароғ бўлсанг агарда, садқа мужгоним сенга.

Ҳар кима она-Ватан, гулшанки хори гулга тенг,
Меҳрига ким ташнадур, куйганда бағри кулга тенг.
Беватанлар бўлса шоҳ, қисматларидур қулга тенг,
Сендан айру дам узундир, лаҳзалар ҳам йилга тенг.
Бир умрга лек баробардир керак оним сенга.

Нур сочиб маҳзун кўнгилларга нуристонсан ўзинг,
Сабзадир гулбоғларинг, рангин гулистонсан ўзинг,
Елканга момо қуёш, нур сочса бўстонсан ўзинг,
Ҳар бир аҳлинг битта юлдуз, кавкабистонсан ўзинг,
То ҳаётдирман, чароғим, шуълаи жоним сенга.

Бағри кенг меҳмоннавоз, ҳар чоқда нон-тузлик элим,
Меҳрибонлик бобида ҳар чоқда қош-кўзлик элим.
Кўкраги доим баланд, меҳнат-ла боз ўзлик элим,
Ёри дўстлар жам бўлибдур, тўй қилур ўзбек элим,
Мен дегайман, хуш келибсан дўсту меҳмоним сенга.

Каъба деб билдим сени, хос ҳурматингда ҳам ўзим,
Лаҳзада номинг йўқотсам фурқатингда ҳам ўзим,
Ҳимматингга йўқ поён, зўр ҳимматингда ҳам ўзим,
Хизматингга шай эрурман, хизматингда ҳам ўзим,
Бахтиёрман, сарф этолсам, борки имконим сенга.

Қанча битмай, асло толмам, иқтидорим сен учун,
Мингта достон кам эрур, тенгсиз диёрим сен учун,
Ҳадя қилгум дер Сулаймон ихтиёрим сен учун,
Кўлда торим сен учундир, дилда борим сен учун,
Қайда бўлмай талпинурман, Ўзбекистоним сенга.

Сулаймон ҲАЙДАР,
Касби тумани.

«Тошшаҳарйўловчитранс»
давлат уюшмаси

турмуши кундан-кунга фаровонлашиб бораётган юртдошларимизни

Наврўзи олам

билан муборакбод этади.

Байрам қувончлари ҳар бир хонадонга баҳорий севинч улашишини чин дилдан истаб қолади. Пойтахт ҳаётини албатта уюшмамизнинг кўпминг кишилик жамоаларисиз тасаввур этиш мушкул. Чунки, кишиларнинг борар манзилларини яқин қилишда савобли ишнинг бошини тутиб, самарали меҳнатларимиз билан ҳисса қўшаётганлигимиздан фахрланамиз.

Ўзбекистон диёрида ҳамиша Наврўз бўлсин!

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси

«Қизил тонг»

очиқ турдаги акционерлик жамияти жамоаси

барча ватандошларимизни гўзаллик, севинч ва қувонч байрами — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан табриклайди.

Ўзбекистон Оллоҳ назари тушган серқуёш, жаннатмакон ўлка. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Юртимизнинг буюк келажаги йўлида халқимизга астойдил хизмат қилаётганимиздан беҳад шодмиз. Шу боис баракали меҳнатимиз билан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга камарбастамиз. Эришган ютуқларимизга асло кўз тегмасин. Ҳар бир хонадонга тинчлик, фаровонлик тилаб қоламиз.

«Қизил тонг» очиқ турдаги акционерлик жамияти

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-72-83, 133-38-55, 133-73-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.360 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0177

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди – 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Ўзбалиқ»

давлат ҳиссадорлик корпорацияси

мамлакатимиз фуқароларини баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан самимий табриклайди. Улуғ айём юртимизнинг ҳар бир хонадонига файз ва қут-барака олиб келсин!

«Ўзбалиқ» давлат ҳиссадорлик корпорацияси жамоаси

Республика хўжалик ҳисобидаги пудрат савдо (тендер)ларни ўтказиш бошқармасининг

БУХОРО

вилоятидаги филиали

республика ҳудудида ва ундан ташқарида фаолият кўрсатаётган барча ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахс бўлган таъминотчиларни

Бухоро вилоятида қурилаётган иншоотлар учун

- керакли қурилиш материаллари,
- конструкциялари,
- электр ўтказгичлар,
- ёритиш ускуналари,
- мебель жиҳозлари,
- ўқув парталари,
- кир ювиш ускуналари,
- ошхона жиҳозлари,
- совутиш ҳамда сув таъминоти ускуналари,
- қувурлар ва бошқа қурилиш объектларида қўлланиладиган маҳсулотлар

савдосига таклиф қилади

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:
Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй.
Вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси биноси, 4-қават.
Телфакс: (3652) 23-64-23

Байрамона руҳда беллашиб

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Тошкентда учинчи марта ўтказилаётган халқаро мусобақанинг Наврўз кунларига тўғри келгани мусобақа иштирокчиларининг руҳини кўтариб юборди. Йигирма мамлакатдан келган моҳир полвонлар орасида олимпиада ва жаҳон чемпионлари, хизмат кўрсатган спорт усталари бор. «Мустақиллик кубоги» учун ўтказилаётган анъанавий бу мусобақа мутахассислар ва спортчиларни қизиқтириб қолди. Уларнинг ҳар бири Тошкент беллашувларида уюштирилаётган шарт-шароит жаҳон талабларига мос эканини эътироф этмоқда. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида таниқли спортчилар ва халқаро кураш ассоциациясининг вакилларига зарбоф тўнларни кийигизилиши ҳам юртимизда курашнинг азалий экани, ёшларимиз боболари қадриятини эъзозлашаётганидан нишонадир. Шунинг учун бўлса керак, ФИЛА президенти Милан Эрцеган мусобақа иштирокчиларига йўллаган табрикномасида ана шундай мазмун ўз ифодасини топган.

«Мустақиллик кубоги» учун эркин ва юнон-рум кураши бўйича учинчи марта ўтказилаётган халқаро мусобақа иштирокчилари, мураббий, ҳакамлар ва ташкилотчиларини чин дилдан муборакбод этаман, — дейиладди табрикномада. — Мусобақа ташкилотчиларига алоҳида меҳр билан мурожаат қилишни истардим. Боиси улар бундай мусобақанинг мунтазам ўтишини таъминлаш билан жаҳон миқёсида спортнинг кураш турини янада ривожлантиришга, мухлислар даврасини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўйлайманки, сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз самараси ўлароқ мамлакатингиз кураш ассоциацияси ФИЛАнинг ўзига хос таянчига айлангай. Бу албатта ҳаммамизни қувонтиради. Яқин келажакда Ўзбекистон кураш бўйича етакчи мамлакатлардан бирига айланиши мумкин. Совриндорлик баҳси иштирокчиларига зафар ва муваффақият тилайман».

Кеча полвонлар ўртасида ҳал қилувчи беллашувлар ўтказилди. Голиблик учун кураш кеч оқшомгача давом этди. Зеро, ҳар бир спортчи учун беллашувнинг финал қисмига йўлланма олиш осон кечмади. Бунинг учун у саралаш баҳсларида камида 3-4 марта ғолиблик завқини суриши керак бўлди. Ярим финалга чиқиш баҳсларининг кескин ва муросасиз тус олиши ҳам шундан. Жумладан, мухлислар ўзбекистонлик Дилшод Жўраев билан грузин полвони Давид Иннагладзе ўртасида давом этган беллашувни мароқ билан кузатдилар. Бу полвонлар тенгқур бўлсалар-да, чап-дастликда меҳмоннинг қўли баландлиги сезилиб турди. У беллашувни узоқ чўзмай, соф ғалабага эришди. 58 килограмм вазнли Шамсиддин Худойбердиев ҳам халқаро спорт устаси эканлигини амалда кўрсатиб, соф ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди.

Пойтахтимизнинг «Юнусобод» спорт кошонасига ўрнатилган 3 та кураш гиламида беллашувлар шундай авжга чиқдики, мухлислар ишқибозликда шошилиб ҳам қолдилар. Шунга қарамай полвонларимиздан Дмитрий Коршунов, Шамсиддин Худойбердиев, Дилшод Орипов, Баҳодир Қурбонов, Рустам Биктаков, Витт Вири, Шермуҳаммад Қўзиев ҳамда Шуҳрат Саъдиевлар бош совринга даъвогарлик қилишмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, «Голос Узбекистана» — 136-26-70, «Осиё бозори» — 133-38-55

(Газетамизнинг навбатдаги сони 25 март — пайшанба куни чиқади).